

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**352** Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш,  
унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги  
55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва  
Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-  
сининг 2007 йил 17 декабрдаги 107 ва 2007-64-сон қарори (рўйхат рақами  
1750, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Солиқ масла-  
ҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва  
уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловаси иловага мувофиқ  
тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 30 июнь,  
47-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 30 июнь,  
2014-26-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2014 йил 30 июндаги  
47, 2014-26-сон қарорига  
ИЛОВА

«Солиқ маслаҳатчиси малака  
сертификатини бериш, унинг амал қилишини  
тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

**СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИНИНГ  
МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ**

**№ 000000**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 20\_\_\_ йил  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ -сонли буйруғига мувофиқ ушбу сертифи-  
кат билан \_\_\_\_\_

(солиқ маслаҳатчисининг Ф.И.О.)

(паспорт раками ва серияси, қачон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган солиқ маслаҳатчи-  
лари ташкилоти номидан солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш ҳуқуқи  
тасдиқланади.

Мазкур сертификат паспорт тақдим этилганда ҳақиқийдир.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Сертификат берилган сана: 20\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Hujjat 2014 yil 14 iyul holatiga

**28 (632)-сон**

**— 105 —**

**352, 354-моддалар**

Реестр бўйича тартиб рақами: \_\_\_\_\_

Тошкент ш.

М.Ў.».